Муваффақият сирлари

Омад, бахт, зафар, муваффақият деган тушунчаларни ҳар бир инсон ўз ҳаётида бўлишини орзу қилади. Бунга эришишнинг калити нимада ва қаерда? Бунинг ягона йўли муваффақият қучган, баъзан мағлубиятга учраган кейинчалик, ўз ўрнини топган, эсанкирамаган инсонлар билан учрашиш ва уларнинг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашишдир. Ҳаётда текис ва равон йўл йўқ. Юриш, югуриш, елиш, эмаклаш, тўхтаб қолиш, чопиш ҳаёт тарзи, бахтга эришишнинг йўлларидир. Институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ҳамда Business events group, Project Ashurov.A ҳамкорликда “Муваффақиятга эришишингизда сиз кутган ва сиз билмоқчи бўлган сирлар очилади” номли мотивацион бизнес-тренинг, маҳорат дарси бўлиб ўтди. Бу галги тадбир тадбиркор, бизнемен, тренер, маркетолог, блогер ва халқаро тоифадаги тажрибага эга бўлган Акмалхон Ашуров билан ташкил этилди. Интилганга толе ёр деганларидек, ташаббускорлик ва интилиш, қўйилган мақсаддан ортга тисарилмаслик муваффақият сари элтади. I CAN DO IT - мен буни қила оламан дейиш ишончни мустаҳкамлайди. 20 минг менторлардан таҳсил олган, дунёнинг Тайсон, Владислав Гандурас каби машҳур одамлари билан суҳбатда бўлган Акмалхон суҳбатдошни 30 сонияда қандай забт этиш сирлари, қийинчиликларгина одамзотнинг дўстлари экани, машаққатгина инсонни тоблаши, ақлли қилиши, пишириши мумкинлиги борасида етарли мисоллар келтириб айтарли мулоҳазаларни билдириб ўтди. У ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч қачон таслим бўлма деган шиор ўзининг қараш ва яшаш йўсинига айланганини эътироф этди. Одамлар икки тоифага бўлинади, улар негатив ва позитив қарашли кишилардир. Бизнесда дўстлар бўладими деган савол билан мурожаат қилди у. Сўнгра ўзи жавоб бериб деди: Бўлади, лекин у фақат шартнома қоғоз биландир, - деб жавоб берди. Чунки, у ишонч ва хавотирнинг кўпригидир. Аудиторияда ихтиёрий рўйхатдан ўтган 130 та институт талабалари ва 37 нафар бошқа олий таълим муассасаларидан келган меҳмон, тадбиркор ёшларга кўтаринки руҳ ва мотивация берилгани аниқ. Хуллас, бизнес ва тадбиркорлик орқали ўз йўлини топиш учун ҳаракат қилган талабаларга яхшигина дастуруламал бўлди десак, хато бўлмайди. Учрашув якунида Акмалхон Ашуровга миннатдорчилик йўсинида сертификат топширилди. Талабалар барчаси хурчанд ва бу гал иккинчи маротаба мана шундай мастерр класс ташкил этилди. Кейинги ҳафталарда мана шундай ташаббуслар давомий бўлади. Ёшларга мана шундай учрашувлар ташкил этиш орқали тадбиркорлик, бизнес ва бошқа соҳалар ривожига ўз ҳисамизни қўшамиз.

Институт матбуот хизмати